

## Европада мусулмонларнинг сони ортиб бормоқда



07:00 / 06.02.2019 3029

Дунёдаги энг етакчи тадқиқот маркази бўлган Pew Research Center'a маълумотларига кўра, миграция бўлмаса ҳам кейинги 30 йилда Европада мусулмон аҳолиси сони 4,6% дан 7,4% гача кўтарлиши тахмин қилинмоқда.

Тадқиқот маркази мусулмонлар сонининг ошишида, бу аҳоли қатлами орасида ёшларнинг кўплиги ва туғилишнинг юқорлигини асосий сабаб эканини маълум қилган. Маълум бўлишича, 2010 ва 2017 йиллар орасида 3,7 млн. мусулмон Европага кўчиб келган. Буларнинг 2,5 млн.ни ишчи ходимлар, талабалар ва бошқа мунтазам муҳожирлар ташкил этади. Муҳожирлар тоифаси мунтазам келиб ўрнашиб бораётган мамлакат бу – Буюк Британия ҳисобланади. Натижаларга қарайдиган бўлсак, агар Европага мўътадил миграция давом этадиган бўлса, кейинги 30 йилда

қитъадаги мусулмон аҳолиси 11,2 фоизга ошади. Агар 2014–2016 йилларда бўлгани каби кучлироқ миграция бўлса, 2050 йилга келиб мусулмон аҳоли бу қитъада 14 фоизга кўпаяди.

Германияда мусулмонлар бутун аҳолининг 6 фоизини ташкил этса, 2050 йилга келиб бу рақам 20 фоизга етиши кутилмоқда. Европада мусулмонлар сонининг ортиши Европа Иттифоқи учун янги синов палласини бошлаб беради. Аслида ҳам мусулмонлар Европадаги иккинчи катта дин гуруҳи ҳисобланади. Бугун Европадаги бутун аҳолининг 5 фоизини мусулмонлар ташкил этмоқда ва бу рақам ўсишда давом этяпти. Бироқ қитъадаги аҳолининг умумий ўсишида камайиш кузатилмоқда. Масалан, ҳозир Европадаги аҳолининг умумий сони 495 млн. ташкил этса, 30 йилдан кейин бу кўрсаткич 463 млн. тушиб қолиши айтилмоқда. Лекин ҳозирда 25 млн. бўлган мусулмон аҳолиси сони 30 йил ичида уч мартага ошиб 75 млн.га етиши тахмин қилинмоқда.

***Islom.uz портали таҳририяти***